

Долзарб 40 кунлик кўчат экиш жараёни 1-декабргача давом этади.



Ўзбекистонда жорий йилнинг 20-октябридан 1-декабргача кўчат экиш бўйича долзарб 40 кунлик эълон қилинди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 11-октябр куни ўтказилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар мавзусидаги видеоселектор йиғилишида маълум қилинган эди.

Шу муносабат билан Халқ депутатлари Қумқўрғон тумани кенгаши депутатлари томонидан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 30 дан ортиқ кўчат экилиб, депутатлар бог'и яратилди.